Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

# 283 Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1788-3*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 10 мартдаги 2008-16, 300-В-сон қарори (рўйхат рақами 1788, 2008 йил 9 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14-15-сон, 112-модда) билан тасдиқланган Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловаси иловада келтирилган таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2015 йил 7 май,
2015-15-сон

**Марказий банк раиси** **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2015 йил 7 май,
300-1-3-сон



WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки
Бошқарувининг 2015 йил 7 майдаги
2015-15, 300-1-3-сон қарорига
ИЛОВА

«Нақд пул тушуми келиб тушишининг
хронометражини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**__________ манзилдаги ________________________ номли солиқ тўловчида ўтказилган хронометражлар тўғрисида**
**МАЪЛУМОТ**

| Хронометраж ўтказилган сана, бошланган ва тугалланган вақти | Ходимлар сони | | | | | Умумий овқатланиш ташкилоти бўйича | | | Ҳақиқатда хронометраж кунигача топширилган сумма (минг сўм) | Хронометраж ўтказилган кундан бир кун олдинги топширилган сумма (минг сўм) | Хронометраж кунлари топширилган нақд пул суммаси (минг сўм) | Ўтган ҳафтанинг шу куни топширилган нақд пул суммаси (минг сўм) | Бир кун олдинги тушумга нисбатан фарқи (+ ёки –) | Ўтган ҳафтанинг шу кунига нисбатан фарқи (+ ёки –) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | раҳбар | ҳисобчи | асосий ишчи (хизматчи)лар сони | ёрдамчи ишчи (хизматчи)лар | бошқа ишчилар | умумий овқатланиш ташкилотининг шакли (тури)* | 4 та ўринга мўлжалланган хизмат кўрсатадиган столлар сони** | ҳафталик иш режими (ҳафтасига жами соатларда) | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |

*Изоҳ:*

** Умумий овқатланиш ташкилотининг шакли (тури) ресторан, кафе, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш йўналиши мавжуд бўлган кафе, чойхона, ошхона, кафетерий, кичик ошхона, буфет ва бошқа турдаги ташкилот (ошхона мавжуд бўлмаганда) бўлиши мумкин;*

*** Агар умумий овқатланиш ташкилоти 4 та ўриндан ортиқ ўтириш жойига мўлжалланган столларга эга бўлса, 8-устун кўрсаткичи барча ўринлар сонини қўшиш ва олинган суммани 4 га бўлиш йўли билан ҳисоблаб тўлдирилади. Масалан, ташкилот 10 ўринга мўлжалланган 6 та столга эга бўлса, 8-устунда 15 (6 * 10/4) кўрсатилади.*

Хронометраж ўтказган ходимлар ________________________________
(Ф.И.Ш.)

Солиқ тўловчи ________________________________
(Ф.И.Ш.)».

WWW.LEX.UZ